

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 6 август • №30 (1362)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ихтисослаштирилган тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, шошилиш тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш ҳисобига фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг фаол меҳнат қобилиятини тиклашга имконият яратиш, болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда нефрология ва гемодиализ ёрдамини кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида:

1. 2021-2022 йиллар давомида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибидан 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари (кейинги ўринларда – Марказлар) 1-иловага мувофиқ босқичма-босқич ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

“олтин соат” тамойили асосида қўшма шикастланишлар ҳамда ўткир қон-томир касалликлари билан тиббий ёрдамга муҳтож беморларга шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларга гемодиализ хизматини кўрсатиш;

Марказларга бириктирилган туман (шаҳар)лар аҳолисига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда тиббий хизмат кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Марказларга:

худудлардаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, шошилиш тиббий ёрдам ва

умумий жарроҳлик бўлимларининг умумий ўринлари сони доирасида 50 тадан 60 тагача ўринлар ажратилади; худудий соғлиқни сақлаш муассасалари штат бирликлари доирасида қўшимча нейрохирург, невролог, кардиолог, анестезиолог-реаниматолог ва бошқа штатлар киритилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари фаолиятини молиялаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар татбиқ этилади.

Марказларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров) Молия вазирлиги (Ж.Абруев) билан биргаликда Марказларнинг ташкил этилиши му-

носабати билан талаб этиладиган қўшимча штат бирликлари ҳамда уларга зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Марказларни малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ молиявий, моддий-техник ва бошқа ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887-сон қарорига мувофиқ:

6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан;

6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни “А” витамини билан;

2-10 ёшдаги болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан;

ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болаларни йод препарати билан;

35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2021-2023 йилларда болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бе-

пул таъминлаш чора-тадбирлари дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қуйидагиларни назарда тутувчи Аҳолига кўрсатилаётган нефрология ва гемодиализ ёрдамини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

худудларнинг умумий ўринлар фонди ҳисобидан нефрология ва гемодиализ бўлимларини 50 ўрингача етказиш;

диализ аппаратлари ва сарфлаш воситаларини харид қилиш;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий тиббиёт таълим муассасаларида нефрология ва гемодиализ кафедралари фаолиятини йўлга қўйиш;

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази биноларини қуриш ва реконструкция қилиш.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ўн кун муддатда болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларнинг профилактик махсус препаратларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва ушбу препаратларни тақсимлаш ҳамда етказиш тартибини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳка-

масига таклифлар киритсин. 9. Ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан:

Соғлиқни сақлаш вазири А. М. Хаджибаев зиммасига – ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш учун;

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари А. Ш. Иноятовга гемодиализ хизматини юқори даражада кўрсатиш, У. Ю. Собировга Марказлар фаолиятини самарали ташкил этиш, Э. И. Баситхановага болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан таъминлаш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг худудларда сифатли ижро этилиши учун шахсий масъулият юклансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва натижалари ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л. Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 26 июль



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошкоралик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш, ордер бериш механизминини такомиллаштириш ва тўлиқ рақамлаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга 1-иловада рўйхати келтирилган давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган муассасалар) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилинади ва молиялаштиришнинг янги механизми асосида уларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) жорий этилади.

Белгилансинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ихтисослаштирилган муассасаларга даволанишга йўллашда:

касалликнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб ахборот тизими орқали навбатда туришнинг шаффоф механизми татбиқ этилади;

кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар тоифасига кирувчи фуқаролар “Ижтимоий ҳимоя ягона рестри” ахборот тизимига мувофиқ аниқланади;

беморларга ўзларининг сўровлари, мурожаатлари ҳамда навбати ҳақидаги ахборотни реал вақт режимда олиш имконияти таъминланади;

беморларга, уларнинг касаллигига мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишларини таъминлайдиган, тиббий хизматнинг қиймати кўрсатилган ҳамда матрицали штрих код (QR-код)га эга бўлган йўлланма (кейинги ўринларда – йўлланма) берилди;

йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради; бемор даволанганидан сўнг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси даволаган муассасага базавий нархлар доирасида беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ, сарфланган маблағни Давлат бюджети ҳисобидан ўтказиб беради;

б) қуйидагилар:

2021 йил 1 ноябрдан бошлаб республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси ва урология;

2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилсин.

Белгилансинки:

имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизмат кўрсатадиган Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини ўз хоҳишига кўра эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлади;

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган талаблар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

нодавлат тиббиёт ташки-

лотлари томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузиладиган шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб, амалга оширилади;

в) амалдаги ордер бериш тартибига асосан расмийлаштирилган ордерлардан 2022 йилнинг 1 январига қадар фойдаланиш мумкин;

г) 2022 йил 1 январдан бошлаб мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ давлат тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини, ажратилган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини назорат қилиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади.

3. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча 8 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ–5053-сон қарорига мувофиқ мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 14 та бош мутахассиси лавозимлари киритилсин ва улар соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органларида жой-

лаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А.Иноятов раҳбарлигида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш ва молиялаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий, молиявий ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилсин ва у мазкур йўналишда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси фаолиятига қўмаклашиб борсин.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатов кенгашига (Л.Тўйчиев), зарур ҳолларда, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган шартномалар асосида базавий нархларда молиялаштириш механизми жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда 2021 йил 15 сентябрга қадар ихтисослаштирилган муассасаларни шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб молиялаштириш тартибини тасдиқласин.

Молия вазирлиги (Ж.Аббасов) имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларга ажратилган Давлат бюджети маблағларининг 2021 йил 1 октябрь ҳолатига қолдиқ қисмини Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ўтказиб берилишини таъминласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев):

а) бир ой муддатда:

Молия вазирлиги билан биргаликда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишган ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархларини шакллантирсин ва уларнинг янгиланиб борилишини таъминласин;

б) 2021 йил якунига қадар далилларга асосланган тиббиётга мувофиқ замонавий даволаш-диагностика услуб ва технологияларни киритган ҳолда клиник протоколларни, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқла-нишини таъминласин.

Бунда, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартларни янгилаш бўйича режа-графикни республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари кесимида тасдиқласин ва ушбу стандартлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминласин.

6. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимига интеграция қилинадиган маълумотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) 2021 йил 1 октябрга қадар:

а) соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ахборот тизимини ишлаб чиқсин;

► (Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀(Охири. Боши 2-бетда)

б) Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимида интеграция қилинишини таъминласин.

7. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиниксининг бўш турган худудидан янги бино-иншоотлар комплекси (кейинги ўринларда – комплекс) барпо этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

комплекснинг қуввати камида 650 та стационар ва 100 та кундузги стационар ўринлардан иборат бўлади ва 2023 йилнинг 1 апрелига қадар фойдаланишга топширилади; Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази комплекс фойдаланишга топширилгандан кейин унга ушбу марказнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиалларини кўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) Корея Республикаси тажрибасини ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда комплексни қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, 2021 йилнинг якунига қадар қурилиш ишларини бошласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон қарори билан ташкил этилган Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолия-

тини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи (Б.Мусаев)га:

а) белгиланган муддатларда комплексни фойдаланишга топшириш, соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқа масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш;

б) Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий тиббий таълим муассасалари магистратураси ва клиник ординатурасида тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш;

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказитомонидан ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Ташкил ишлар вазирлиги (А.Камилов), Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси (В.Фен) билан биргаликда Корея Республикасининг етакчи илмий ва тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда онкология, гематология, радиология, клиник иммунология, юқори технологик трансфузиология, лаборатория ва бошқа йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 1 августдан бошлаб онкология, онкогематология ва гематология муассасаларининг паллиатив ёрдам кўрсатиш бўлимлари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари лавозим маошига меҳнатнинг соғлиқ учун ўта хавфли шароитлари учун 25 фоиз

миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ тўлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич:

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғурук бўлимлари негизда 4-иловага мувофиқ туманлараро перинатал марказларни амалдаги штатлар доирасида ташкил этиш;

оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар учун худудларда самарали перинатал, неонатал ва педиатрик хизматларни олиш имкониятини яратиш;

минтақавий перинатал марказларни такомиллаштириш ва 3-даражали акушерлик муассасаларини белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаев) билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини мақбуллаштириш ҳисобига республикадаги туғурукқа ёрдам берувчи муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказсин.

11. Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев):

а) 2021 йил 1 сентябрга қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг худудий органларида имти-

ёзли тоифага кирувчи шахсларга республика миқёсида тиббий хизматларни кўрсатиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этишга мўлжалланган ягона қисқа рақамли бепул “тезкор алоқа”ни йўлга қўйсин;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари биноларида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг расмий веб-сайтларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг ҳажмлари, ихтисослаштирилган бепул тиббий ёрдамни кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳамда тарғибот материалларини тарқатиш чораларини кўрсин;

б) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ихтисослаштирилган муассасаларнинг расмий веб-сайтларида бўлимлар кесимида мавжуд ўринлар сони, шу жумладан, бўш ўринлар сони, кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари ва нархлари жойлаштирилишини ва мунтазам янги-ланиб борилишини таъминласин;

в) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган муассасаларда имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш бўйича жорий этилаётган механизмларнинг

Ўзбекистон Республикаси**Президенти**Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 июль

мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, прессклуб муҳокамаларини ташкил этиш орқали тезкор етказилиши, тушунтирилиши ва кенг ёритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш вақўшимчалар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М.Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А. Ш. Иноятов, А. А. Азизов, У. Ю. Собиров, Э. И. Баситханова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва натижалари ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л. Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА АҲОЛИНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 27 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда маъқулланган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, №2, 65-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 112, 124-моддалар, №9, 229-модда; 2001 йил, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 312-модда; 2009 йил, №12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, №12, 472-модда; 2012 йил, №9/1, 238-модда; 2013 йил, №4, 98-модда, №10, 263-модда; 2014 йил, №1, 2-модда; 2015 йил, №8, 312-модда; 2016 йил, №4, 125-модда, №12, 383-модда; 2017 йил, №9,

510-модда, №10, 605-модда; 2018 йил, №1, 1, 4-моддалар, №4, 224-модда, №7, 431-модда, №10, 677-модда; 2019 йил, №1, 3-модда, №2, 47-модда, №5, 261, 267-моддалар, №12, 880-модда; 2020 йил, №9, 539-модда, №10, 593, 595-моддалар, №12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **113-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек, карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад

этан тақдирда (соғлигининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»**ги 265-сонли қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, №5, 124-модда; 2001 йил, №5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, №10, 536-модда; 2007 йил, №10, 473-модда; 2010 йил, №5, 177-модда; 2016 йил, №12, 383-модда; 2017 йил, №6, 300-модда; 2018 йил, №1, 1-модда; 2019 йил, №2, 47-модда, №5, 265, 267-моддалар, №9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, №12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **28-моддасига** қуйи-

даги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«28-модда. Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш, профилактик эмлаш»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш **Ўзбекистон Республикаси**

Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 2 август

вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тиббий суғурта

МАҚСАД – ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА УНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ

Мамлакатимизда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган эътибор кундан-кунга ўз самарасини бериб келмоқда. Айниқса, шифо масканларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, фуқаролар, қолаверса, даволанувчилар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг ташкил этилганлиги ҳам бундан мустасно эмас. Шундай экан, мазкур жамғарма фаолиятига оидлик киритиш мақсадида Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг ижро этувчи директори Фаррух Шарипов билан суҳбатда бўлдик.

– **Фаррух Рахимович, мамлакатимизда давлат тиббий суғуртасининг ташкил этилишига қандай зарурат бор эди?**

– Албатта, инсон ҳаёти ва унинг саломатлиги юртимизда олий кадрият ҳисобланади. Айниқса, фуқароларни давлат томонидан тиббий суғурталаш масаласи Хукумат даражасидаги долзарб масалага айлангач, мухтарам Юртбошимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини

ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Давлат тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилди.

Шу ўринда, Жамғарманинг асосий вазифаларига тўхталиб ўтсам.

Аввало, Жамғарма давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада

ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идораларро ҳамкорликни таъминлайди. Аҳолининг барча қатламларини давлат томонидан қафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этиди. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида Давлат бюджетидан қафолатланган пакетни молиялаштириш мақсадида ажратилган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкиллаштиради. Тажриба-синов лойиҳасининг натижаларига кўра, давлат тиббий суғуртаси тизимини республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Шу билан бирга, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағлар Жамғарманнинг ҳисоб ва рақларига ўтказиб берилади. Тиббиёт ташкилотлари билан шартномалар тузиш орқали улар фаолиятини молиялаштириб боради. Бунда, туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги шифоналарга ажратилган маблағларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган қисми бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. Қафолатланган пакет асосида тиббий хизматлар кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳам жалб қилиниши мумкин. Бунда ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлиги ва натижадорлиги Жамғарма томонидан доимий мониторинг қилиб бо-

рилиши кўрсатилган.

– **Айтингчи, ўтган давр мобайнида Жамғарма томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Бу тажриба-синов ўзини оқладими?**

– Албатта, Жамғарма томонидан Сирдарё вилоятида тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари ҳал этилди. Хусусан, Жамғарма штат бирликларига тиббиёт, иқтисодиёт ва молия соҳасидан маблағли мутахассислар жалб қилинди ва 2020 йил 1 декабрдан у ўз фаолиятини бошлади. Қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси

► (Давоми 5-бетда)

Тиббий суғурта

МАҚСАД – ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА УНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ

◀ (Охири. Боши 4-бетда)

Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Жамғарма билан келишилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди. Шундан сўнг, “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги, “Сирдарё вилоятида жойлашган тиббиёт муассасаларини мониторинг қилиш ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Низомлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Оилавий шифокор йўланмаси ва стационарда даволаниб чиққан беморнинг тиббий картаси шакли ҳамда тиббий муолажаларни кодлаш халқаро классификаторлари тасдиқланди. Оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўлами, стоматологик сарфлов воситалари, дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги “Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг янги модели – Гулистон тиббиёт кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 318-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу тизимни тўғри ташкил этиш ва тарғибот тадбирларини кучайтириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 июлдаги “Оилавий шифокорлик пункти, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўлами тўғрисида”ги 165-сонли буйруғи тасдиқланиб, Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқар-

масига қарашли туман тиббиёт бирлашмаси, шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиқларининг даволаш ва амбулатория хизмати бўйича масъулларига Давлат тиббий суғурта жамғармаси ходимлари томонидан ўқув семинарлари ўтказилди.

Жамғарма ходимлари томонидан Гулистон шаҳри, Боёвут, Мирзаобод, Сирдарё, Сардоба, Оқ олтин, Ховос туманларида оилавий шифокорлар томонидан расмийлаштирилаётган йўлланмалар, туман, шаҳар марказий шифохона шифокорлари томонидан тўлдирилаётган статистик талонлар тўлдирилиши, ҳамда касалликлар ва тиббий муолажаларни кодлаш ҳолатлари ўрганиб чиқилди ва ҳужжатларни тўлдириш бўйича саволларга жавоб берилди ҳамда оилавий шаҳар поликлиникаси, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиникаларида тайёрланиши зарур бўлган ҳисобот шакллари бўйича барча мутахассисларга тушунча берилди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Давлат тиббий суғурта жамғармаси ходимлари томонидан Боёвут тумани 2-оилавий поликлиникаси, Гулистон шаҳар 4-оилавий поликлиникаларида “тиббиёт бригадалари” ҳамширалари учун ажратилган хоналарнинг жиҳозланиши, бригада ҳамшира-лаининг фаолияти ўрганиб чиқилиб, “тиббиёт бригадалари” ҳамшираларининг иш режалари шакли ишлаб чиқилди, ўрта тиббиёт ходимларининг саволларига жавоб берилди.

Давлат тиббий суғурта жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассислари билан давлат тиббий суғуртасини татбиқ этилишида ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар тўғрисида

давра суҳбати ўтказилди, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассисларига вазифалар белгилаб берилди.

– **Маълумки, Жамғарма ташкил этилгач, унинг ҳузурида Кузатув кенгаши фаолият бошлаган эди. Мазкур Кенгашда қандай масалалар ҳал этилмоқда?**

– Ушбу Кузатув кенгаши ташкил этилгач, у ўз фаолиятини бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйди. Жумладан, Кузатув кенгашининг 2021 йил 9 мартдаги 5-сонли баёни билан “аҳоли жон бошига”, “глобал бюджет” ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” молиялаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом, 2021 йил 25 мартдаги 6-сонли баён билан Жамғарма ғазна ҳисоб-варақаларида бюджет маблағларини жамлаш ва фойдаланиш тўғрисидаги вақтинчалик низом, 2021 йил 30 мартдаги 7-сонли баён билан Жамғарманинг расмий логотипи ҳамда 2021 йил 29 июндаги 11-сонли баён билан тиббиёт муассасалари билан тузиладиган шартнома намуналари ва Жамғарманинг 2021 йил иккинчи ярим йиллиги учун бюджети тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги Фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарорига тегишли қўшимча киритилиб, Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига “Давлат мақсадли жамғармаси” мақоми берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги қарорига тегишли ўзгартириш киритилиб, дав-

лат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатига давлат тиббий суғуртаси доирасидаги хизматлар қўшилди.

Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 25 майдаги қарорининг 11-бандига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 июндаги 34-06/6102-сонли хати билан давлат тиббий суғурта тизимини **2021 йил 1 августдан жорий этилишини тезлаштириш юзасидан “Йўл харитаси” юборилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сирдарё вилояти тиббиёт муассасаларини молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритилди. Жорий йилнинг 30 июнида Сирдарё вилоятидаги 11 та туман тиббиёт бирлашмаси (шаҳар тиббиёт бирлашмаси), 18 та Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари билан шартномалар имзоланди. Ушбу шартномаларга асосан бирламчи тизим муассасалари уларга бириктирилган аҳоли сони ва таркибидан келиб чиқиб, диспансер хизматларини кўрсатувчи муассасалар глобал бюджет асосида ва стационар муассасалар бажарилган ишлар натижаси (даво-

ланган ҳолатлар) бўйича молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасида 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат буюртмаси асосида даволанган беморларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда унинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини, ушбу мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағларини бошқариш, уларни самарадорлиги ва натижадорлиги доимий мониторинг ва назорат қилиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бунда, Жамғарма шартнома асосида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан даволанган ҳолатлар учун ҳақ тўлайди, беморларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини тасдиқланган стандарт ва протоколларга мувофиқлигини назорат қилади ҳамда клиник харажатлар гуруҳларини ишлаб чиқиш ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов услубини жорий этиш учун барча даволанган ҳолатлар ҳисобини юритади. Албатта, бу борадаги ишларимиз кўлами ниҳоятда кенг. Шундай экан, Жамғарманинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда барча имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу каби манзилли фаолиятлар инсон саломатлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шундай экан, эзгулик билан бошланган бундай ишлар мамлакатимиз миқёсида ўз ифодасини топишига ишончимиз комил.

Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА,
журналист.

101-огоҳлантиради

ТАБИЙ ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 майдаги қарорига асосан ҳар ҳафтанинг чоршанба куни ёнгиликлар профилактикаси куни деб эълон қилинган бўлиб, унинг ижроси бўйича туманда жойлашган маҳалла ва масканларда ёнгилик хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Аҳоли хонадонларидаги иситиш тизими ва ёқилги маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимияти қошида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, маҳаллаларда жойлашган аҳоли яшаш уйлари, кўп қаватли турар жой биноларининг хонадон ҳамда масканларида хавфсизлик ва ёнгилик хавфсизлиги коидала-

рига риоя этилиши, ис газидан захарланишни олдини олиши, хонадонларга ўрнатилган дудбуронларни ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиш, носоз дудбуронлардан қўл бола ясалган ностандарт электр иситиш мосламаларидан ўрнатилган газ плиталардан хонадонни иситиш мақсадида газ мосламаларига резина шланг уламаслик, хонадонларда ўтин, кўмир ва бошқа қаттиқ ёқилги билан иситиладиган печлардан фойдаланмаслик бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу каби муҳим тадбирлар ҳар қандай ёнгилик ҳолатларининг олдини олишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳасан САБИРОВ,
Тошкент шаҳри, Миробод тумани ФВБ
инспектори, катта сержант.

БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Маълумки, ёз мавсумида об-ҳавонинг иситиб кетиши натижасида сувда чўмилиш эҳтиёжининг ортиши табиий. Тўғри, оқар сувда чўмилишни ўзига хос завқи бор. Афсуски, сувда чўкиб кетиш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳолатлар ҳам учраб туради. Сувда чўкаётганларнинг аксарияти кўриқланмайдиган сув ҳавзаларида кузатилмоқда. Аянчли томони шундаки, сувда чўкаётганларнинг кўп қисмини болалар ташкил этади. Бунинг асосий сабаблари сўзишни яхши билмаслик, чўмилиш коидаларига риоя қилмаслик, шунингдек, ота-оналарнинг эътиборсизлигидир.

Умумий таҳлилларга қараганда, чўмилиш хавфсизлиги коидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб

сувга тушиши, тунги вақтларда чўмилиши, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмаслик, яъни қутқарув усулларида беҳабарлик сувда чўкиб нобуд бўлиш ҳодисаларига сабаб бўлмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган эслатмаларга ҳар бир инсон риоя қилсагина ноҳуш ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

Ҳурматли туманимиз аҳолиси! Болаларни ва яқинларингизни сувда чўкиб кетиш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳолатлардан асраш учун доимо огоҳ бўлинг, фарзандларингизни ҳеч қачон назоратсиз қолдирманг!

Жавоҳир РАҲИМОВ,
Миробод тумани ФВБ ФВДТ ва ФМФТЭ,
ТХ бўлинмаси бошлиғи, лейтенант.

ИНСТИТУТ ФАОЛИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Жорий йилни 16 июнь куни Президентимиз раслигида олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда ёшларни билим ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими изчил ривожлантирилиши, олий таълим соҳасидаги дастлабки ислохотлар, аввало камровларни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги ҳақида айтиб ўтилди.


Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги 4 та устувор вазифа сифатида олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедлар ваколатларини кенгайтириш, ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ваталабаниннг ўз устида ишлаши учун муҳим шароит яратиш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш ва профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартиришни бугунги кундаги энг асосий вазифамиз, дея таъкидлади. Марказий Осиёда энг биринчи тиббиёт олий ўқув юртиларидан бири бўлган Самарқанд давлат тиббиёт институти ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга олий таълим муассасаси саналади. Институт 1930 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунгача 40 мингдан ортик битирувчилар амалиёт сари йўналтирилган. 90 йилдан ортик шарафли тарихга эга бўлган олийгоҳ тиббиёт соҳаси учун минглаб шифокорлар, илмий ходимлар, хизмат кўрсатган фан фидоийлари, академиклар, жамоат ва давлат арбобларини тайёрлаб берган. Давлатимиз раҳбарининг “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармонида асосан жорий йилдан бошлаб оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда “Тиб-

биёт бригадалари” фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш камровини кенгайтириш вазифалари алоҳида диққат эътиборимизда. Ҳозирги вақтда институт ходимларидан иборат 8 та ишчи гуруҳи шакллантирилиб, Самарқанд вилояти оилавий поликлиникаларига бириктирилди. Мавжуд 15 та туман ва 11 та шаҳар оилавий поликлиникаларининг тиббий харитаси ишлаб чиқилди. Аҳоли хавф гуруҳларга ажратилиши ҳамда диспансер назоратига олиниши, кишлоқ ва маҳаллаларда эса тиббиёт бригадалари ташкил этилишини аниқ чора-тадбирлари белгиланди. Юқоридаги Фармон билан клиник ординатурага доир қисмида, янги ўқув йилидан ўқув даврининг иккинчи йилини ҳудудлардаги ихтисослашган тиббиёт марказлари филиалларида, вилоят болалар ва катталар кўп тармоқли тиббиёт марказларида, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази филиалларида ўтказилиши, шунингдек, маълум бир қисмини иш жойида давом эттирилиши белгилаб берилди. Институт томонидан жорий ўқув йилидан бошланиб барча юқори курс клиник ординаторлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги турли тиббиёт муассасаларига жалб қилиниб, бевосита амалиёт билан шуғулланишларига имконияти яратилиб берилди.

Президент Фармонида асосан, ҳудудларга зарур бўлган тор мутахассисликлардаги шифокорларни тайёрлаш учун тегишли маҳаллий бюджетдан етарли миқдорда

грант ажратилиши ҳамда мазкур грант асосида таълим олган битирувчиларга тегишли ҳудудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилган, уларнинг яшаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши назарда тутилмоқда. Натижада, яқин йилларда юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам барча мутахассисликлардаги шифокорлар халқимизга хизмат қилишига эришилади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг бир қатор клиник кафедралари, жумладан, онкология, кардиология, эндокринология, хирургия, болалар хирургияси, юқумли касалликлар ва тери-таносил касалликлари кафедралари Самарқанд вилоятини ихтисослашган тиббий марказларида жойлашган бўлиб, мазкур муассасалар ўқув жараёнига методик жиҳатдан қўмақлашиб келмоқдалар. Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш учун 1 та 179 ўринли махсус шифохона (шундан 30 та реанимация ўрни), 6 та муассасада (1-сон тақсимлаш ва даволаш маркази, 2-сон тақсимлаш ва даволаш маркази, Каттакўрғон шаҳридаги Марварид санаторияси, Ургут туманидаги тақсимлаш ва даволаш маркази, ХОСПИС шифохонаси, юқумли касалликлар шифохонаси) жами 2729 ўринли захира ўринлари ташкил этилган (2289 та кислород нуқталари билан), реанимация ўринларини сони 370 тани ташкил этади. Юқоридаги даволаниш жойларида ҳам институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан мунтазам равишда консултациялар ташкил қилиниб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 15-16 апрел кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда вилоятда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, тиббий профилактика ишларини тако-



миллаштириш, касалликларни эрта босқичларда аниқлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб қилиш бўйича берган топшириқларини институт жамоаси ўзгача масъулият билан қабул қилиб, бугунги кунда вилоят ҳудудларида амалий ишлар бошлаб юборилди. Вилоятимиз ҳудудларида турли касалликлар кўрсаткичларини инобатга олиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда институтнинг 1-сон ва 2-сон хирургик касалликлар, 1-сон ва 2-сон ички касалликлар, 1-сон акушерлик ва гинекология, гематология, 1-сон ва 2-сон педиатрия, травматология ва ортопедия, умумий хирургия, кўз касалликлари, анестезиология ва реанимация, 1-сон ва 2-сон оториноларингология ҳамда педиатрия факультетининг хирургик касалликлар кафедралари барча туман ва шаҳарларга бириктирилди ҳамда туман тиббиёт бирлашмаларига жойлаштирилди. Туман тиббиёт бирлашмаларига институтнинг 418 нафар битирувчи курс талабалари бириктирилди ва уларга 15 та кафедраларнинг 8 нафар тиббиёт фанлари доктори, профессорлари, 37 нафар тиббиёт фанлари номзодлари ҳамда 28 нафар малакали ходимларидан иборат жами 75 нафар мутахассислар масъул этиб тайинланди. 418 нафар битирувчилар ўқишни муваффақиятли битириб, республикамизнинг турли ҳудудларига ишга тақсимландилар. Ўтган вақт мобайнида вилоятнинг ҳар бир туман тиббиёт

бирлашмасига қарашли шифоналар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар (КТМП), оилавий поликлиника (ОП) ва оилавий шифокорлик пунктларида (ОШП) дарс жараёни ҳамда беморлар кўриги йўлга қўйилиб, 4463 беморларни ўз профили бўйича кўриқдан ўтказилди. Шулардан 2350 беморларга уй шароитида даволаниш учун, 601 беморларга стационар шароитида даволаш учун тавсиялар берилди. Вилоят туманларидаги 208 нафар таянч ҳаракатга эга бўлмаган ва тўшақда ётиб қолган беморлар ўз хонадонларида тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқлар вақтида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳамда касалликларни ўз вақтида олдини олиш мақсадида “Юқумли бўлмаган касалликлар ва унинг профилактикаси”, “Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, тўғри овқатланиш тамойилларини кундалик ҳаётга тадбиқ қилиш, жисмоний фаоллик ва унинг аҳамияти” бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда давра суҳбатларни ўтказилди. Ҳудудларда ўтказилаётган мақсадли скрининг ва тиббий кўриқларда ҳам профессор-ўқитувчилар талабалар билан фаолиштирок этишмоқда. Ҳозирги кунга қадар мазкур тадбирлар натижасида 3-4 хавф гуруҳига мансуб юқори технологияли замонавий тиббий ёрдамга муҳтож 87 нафар беморлар аниқланди ҳамда уларга институт клиникалари ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига даволаниш учун йўлланмалар берилди. Туман тиббиёт бирлашмалари бўлимларида институт

► (Давоми 7-бетда)

Имконият

ИНСТИТУТ ФАОЛИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ВА
ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

◀(Охири. Боши 6-бетда)

профессор-ўқитувчилари томонидан 67 нафар беморлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга даволаниш бўйича тегишли тавсиялар берилди ҳамда 18 та кўргазмали жарроҳлик, акушер-гинекологик ва оториноларингологик операциялар амалга оширилди. Вилютимиз худудларида аниқланган беморлар гуруҳи тўлиқ камрам олиниб, соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилгандан сўнг, кафедра профессор-ўқитувчиларининг вилюят туманлари бўйича ротацияси амалга оширилиши белгиланди. Ушбу ротация тумандаги беморларнинг мутахассислар кўригига бўлган эҳтиёжга қараб амалга оширилади. Ҳозирги кунда мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, вилютимиз худудида жойлашган Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида клиник базаларини ташкил этиш мақсадида Абу Али Ибн Сино номидаги Самарқанд, Сиёб, Ургут, Пастдарғом, Иштихон, Каттақурғон, Пахтачи, техникумлари билан келишилган ҳолда уларга Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 32 та клиник кафедралари бириктирилди ва жамоат саломатлиги техникумларида талабаларнинг ўқув амалиётини ўтиши йўлга қўйилди. Ўзаро интеграция асосида жорий йилдан бошлаб Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларининг етакчи ўқитувчилари ҳам жойларда ташкил этилган клиник базаларда институт талабаларига календар-тематик режа асосида дарс бера бошлашди. Институтда ҳозирги вақтда бакалавриятнинг 10 дан ортиқ йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда, биринчи курсга 2020-2021 ўқув йилида 1030 нафар абитуриент талабалikka қабул қилинган бўлса

“Халқ табобати” бўйича янги йўналишни очилиши ҳам янги имкониятлар эшикларини очиб берди. Ўтган давр мобайнида профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларнинг хоши-истакларини инобатга олиб деярли ҳар куни хорижий олимлар иштирокида онлайн конференциялар, давра суҳбатлари ва вебинарлар ташкил қилиш йўлга қўйилган. Институтда илмий-тадқиқот ишларининг сифат ва самарадорлигини яхшилаш, кафедралар илмий салоҳиятини кўтариш, ёш педагог ходимларнинг Scopus ва WoS илмий базаларга кирувчи журналларда мақола чоп этиш, монгорафиялар нашр қилиш ва диссертация тадқиқотларини олиб бориш бўйича кўникмаларини ошириш мақсадида турли ўқув семинарлар ва амалий конференциялар ўтказиб келинмоқда. Самарқанд Давлат тиббиёт институти республикамизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан ташқари бугунги кунда фаол илмий тадқиқотлар олиб бораётган Европа, Осиё ва Американинг кўплаб илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий тиббий таълим муассасалари билан мустақкам алоқалар ўрнатган ва меморандумлар имзоланган. Имзоланган келишувлар бизга мазкур тиббиёт муассасалари билан биргаликда илмий изланишлар олиб бориш, профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ҳамда талабалар ва ўқитувчиларнинг академик алмашинув дастурларини кенг жорий қилиш имконини беради. Институтда 2021 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг “ERASMUS” дастури доирасида умумий қиймати 2 миллион евро ташкил этувчи 2 та халқаро академик грант лойиҳа, шунингдек, АКШнинг “Smile Trend” ташкилотининг гранти ҳисобидан стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги соҳасида

илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг асосий мақсади институтда олиб борилаётган таълим жараёнларини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда олиб борилаётган илмий ишларнинг халқаро эътирофга эришишдан иборат. Дунёда юз берган пандемия шароитида малакали тиббиёт ходимларига бўлган талаб сезиларли даражада ошиб кетди. Бир сўз билан айтганда жамиятда тиббий ходимларининг аҳамияти, мамлакатдаги ижтимоий хавфсизлик масалаларида уларнинг тақдири ҳақиқий пандемия билан намоён бўлди ва бу борада халқимизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда ҳали олдимизда жуда кўп ишларни амалга оширишимиз зарурлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Институтнинг ҳар бир талабаси олийгоҳни нуфузи ва бўлажак шифокорлик касбидан фахрланиши ва унга муносиб бўлишини таъминлаш мақсадида “SAMMI UNION” ёшлар ассоциацияси ва “Талабалар илмий жамияти” ташкил қилинди. Шиддат билан ривожланаётган жамиятимизда келгусида халқаро меҳнат бозори талабаларига жавоб берадиган кучли тиббиёт кадрларни тайёрлаш ва сифатини ошириш, битириб чиқаётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш масаласида ҳам тиббиёт муассасалари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Институтни халқаро миқёсда ўз ўрнини топиб бораётганини биргина институтда бугунги кунда таълим олаётган 500 га яқин хорижий талабалар мисолида айтиш мумкин. Ҳозирги кунда институтимизда ўқитишни ташкил этиш учун кредит-модул тизими жорий этилган бўлиб, бу олий таълим соҳасида етакчи тенденция эканлиги намоён бўлмоқда. Ушбу тизимнинг Республика олий таълимига татбиқ эти-

лиши, шубҳасиз, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини оширишга, шунингдек, бизнинг олий таълим тизимимизни жаҳон таълим тизимига жалб қилишга ёрдам беради. Республикамизда олий таълим соҳасидаги барча ислохотлар айнан шу нарсага қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида кўпгина муҳим масалалар қаторида ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги барчамизга маълум. Давлатимиз раҳбари ушбу маърузада, ёшларнинг тинч ва соғлом яшаши ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқи, уларнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукаммал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамиша устувор вазифа эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Бидамизки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ватарбиядан иборат. Юртбошимиз маърузасида республикамизда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнидаги туб ислохотлар ҳақида тўхталар экан, буюк ўтмиши бўлган бугунги янги Ўзбекистонни қураётган давримизда бошланаётган Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида қайд этиб ўтилди. Дарҳақиқат, таълим-тарбия ислохотлари орқали Ўзбекистонда

янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда “Янги Ўзбекистон”нинг янги ислохотларида биз тиббиёт олий таълим муассасалари ходимлари ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни кўшмоғимизлозим. Келгусида институтимизда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш бўйича ҳам ислохотларни амалга оширишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Институт профессор-ўқитувчилари ва илмий изланувчиларига янада кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда. Институтимиз илм-фан соҳасини кенг ривожлантириш борасида ёшларни илмий ишларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар кўламини кенгайтириш, докторантурага қабул квоталарини кўпайтириш масаласи бўйича ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шиддат билан ўзгараётган жамиятимизда келгусида халқаро меҳнат бозори талабаларига жавоб берадиган малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, уларни тизимли равишда малакасини ошириш, битириб чиқаётган ёш мутахассисларни муносиб иш жойлар билан таъминлаш масаласида ҳам тиббиёт муассасалари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари орасида биринчилар қатори институт халқаро ISO сертификатига эга бўлди. Бу таълим жараёни халқаро стандартларга мос равишда давом этаётгани, халқаро рейтингларга кириш имкониятимиз ошиб бораётганини ифодалайди. Институт нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам ўз мақомига эга бўлаётганини англатади. Энг асосийси, бу ўзгаришлар юртимиздаги таълим ва тиббиёт тизимидаги ислохотларни натижасидир.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти
ректори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Наргиза Парпиевага падари бузруквори, академик

Парпиев Нусрат Агзамовичнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси марказ директори Наргиза Парпиевага падари бузруквори, академик

Парпиев Нусрат Агзамовичнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш-Здравоохранение Узбекистана" газетаси таҳририяти жамоаси Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Наргиза Парпиевага падари бузруквори, академик

Парпиев Нусрат Агзамовичнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Эълон

Эълон

Эълон

БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҚУЙДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Категория (ходимлар тоифаси)	Талаб этиладиган мутахассислар	Вакант ўринлар сони	
Врачлик лавозимлари:	– шифокор диетолог	–	
	– шифокор клиник фармоколог	–	
	– шифокор услубчи	–	
	– шифокор педиатр	3 та	
	– шифокор неонатолог	–	
	– шифокор болалар ва ўсмирлар гинекологи	1 та	
	– шифокор кардиохирург	–	
	– шифокор болалар анестезиологи	8 та	
	– шифокор реаниматолог	9 та	
	Ўрта тиббиёт ходимлари лавозимлари:	– ҳамшира анестезистка	8 та
– марказий стерилизация бўлими ҳамшираси		–	
– реанимация бўлим ҳамшираси		35 та	
– эндоскопия хонаси ҳамшираси;		–	
– фельдшер–лаборант, клиник лаборант		–	
– муоложа хонаси ҳамшираси		–	
– рентген–лаборант		3 та	
– операцион ҳамшира		7 та	
Кичик тиббиёт ходимлари лавозимлари:		– кичик тиббий ходим (санитар)	10 та
		– овқат тарқатувчи	3 та
	– хўжалик бекаси	–	
Техник ва ёрдамчи ходимлари лавозимлари:	– боғлов хонаси санитаркаси	2 та	
	– тез ёрдам ҳайдовчиси	–	
	– омбор ишчиси	–	
	– дурадгор	1 та	
	– механик	0,5 та	
	– алоқачи–телефонист	–	
	– лифт техниги	–	
	– сантехник	–	
	– электрик	2 та	
	–кислородчи ишлашга рухсатномаси билан	3 та	

Танловда иштирок этиш учун номзодлар Марказнинг кадрлар бўлимига куйидаги ариза ва ҳужжатларини тақдим этишлари керак:

- паспорт (ёки уни ўрнини босувчи ҳужжат);
- маълумоти тўғрисида ҳужжатлар (диплом, гувоҳнома, сертификат ва ҳ.к.);
- меҳнат дафтарчиси (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат);

Ҳужжатлар хар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 09:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 3 майдаги 99–сонли буйруғига биноан Болалар миллий тиббиёт марказига ишга қабул қилиш вазирлигининг махсус комиссияси томонидан амалга оширилади.

Номзодларга куйидаги малака талаблари куйилади:

- Врачлар:
- камида 3–5 йил тажрибага эга бўлишлари керак;

- замонавий илғор тиббий асбоб–ускуналарда ишлашни билишлари керак;
- ўзбек, рус ва чет тилларини (инглиз, корейс ва ҳ.к.) билишлари керак;
- чет эл етук клиника ва марказларда ўқиган ва малакасини ошириб келган врачлар номзодлари биринчи навбатда кўриб чиқилади;

Ўрта тиббий ходимлар:

- камида 3–5 йил тажрибага эга бўлган бўлишлари керак;
- замонавий илғор тиббий асбоб–ускуналарда ишлашни билишлари керак;
- ўзбек, рус ва чет тилларини (инглиз, корейс ва ҳ.к.) билишлари керак;
- чет эл етук клиника ва марказларда ўқиган ва малакасини ошириб келган ўрта тиббий ходимлар номзодлари биринчи навбатда кўриб чиқилади;
- олий маълумотли ҳамширалар номзодлари биринчи навбатда кўриб чиқилади;

Кичик тиббий, техник ва ёрдамчи ходимлар:

- камида 3–5 йил тажрибага эга бўлган бўлиши керак;

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. Телефон рақами: +998555050317

Объявление

Advertisement

Республика Узбекистан

Номер финансирования Саудовского фонда развития № 4/588

Проект «Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием Республиканских специализированных научно-практических центров».

“Закупка специализированного оборудования для Республиканских специализированных научно-практических медицинских центров”,
Международные Конкурсные Торги №UZB-4/588/ICB/03

Министерством здравоохранения Республики Узбекистана было опубликовано приглашение к Международным конкурсным торгам №UZB-4/588/ICB/03 в следующих средствах массовой информации:

- ♦01 декабря 2020 года в газете «Правда Востока» (Узбекистан);
- ♦04 декабря 2020 года в газете «O'zbekistonda sog'liqni saqlash -Здравоохранение Узбекистана»;
- ♦02 декабря 2020 года на сайте Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;
- ♦04 декабря 2020 года на сайте Саудовского фонда развития;
- ♦02 декабря 2020 года на сайте ГУП «O'zmedimpeks»;
- ♦02 декабря 2020 года на сайте Tenderweek.com.

Настоящим Министерство здравоохранения Республики Узбекистан информирует о результатах проведения вышеуказанных торгов.

**РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОВЕДЕНИЯ ВЫШЕУКАЗАННЫХ ТОРГОВ:
ПРИНЯТО РЕШЕНИЕ ПРОВЕСТИ ПОВТОРНЫЕ ТОРГИ ПО ВСЕМ 10 ЛОТАМ**

Объединенная Группа Реализации Проектов

ул. Паркентская, д. 51, г. Ташкент, 100007, Республика Узбекистан,

Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

Тел. (+998 71) 268-12-13, 268-25-39, Факс (+998 71) 267-73-47

e-mail: sfd.ssmc@gmail.com

The Republic of Uzbekistan

SFD's Financing No: 4/588

«Construction and Equipping Specialized Scientific Medical Centers with Modern Equipment» Project
“Procurement of Specialized Equipment for Republican Specialized Scientific Medical Centers”,
International Competitive Bidding (ICB) UZB-4/588/ICB/03

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan announced the Invitation to ICB No. UZB-4/588/ICB/03 in the following mass media:

- ♦December 01, 2020 on local newspaper “Pravda Vostoka”;
- ♦December 04, 2020 on local newspaper “O'zbekistonda sog'liqni saqlash”-Health of Uzbekistan;
- ♦December 02, 2020 on the official website of Ministry of Health of Uzbekistan;
- ♦December 04, 2020 on the official website of Saudi Fund for Development;
- ♦December 02, 2020 on the official website of State Unitary Enterprise “O'zmedimpeks”;
- ♦December 02, 2020 on the website of Tenderweek.com.

Hereby, the Ministry of Health of Uzbekistan informs results of the No. UZB-4/588/ICB/03.

OUTCOMES OF THE BIDDING: ALL 10 LOTS TO BE RE-TENDERED

United Project Management Unit (UPMU)

Address: Center for the development of professional qualification of medical workers, 51, Parkent Str., Tashkent City, 100007, the Republic of Uzbekistan.

E-mail: sfd.ssmc@gmail.com

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 690 нусха.
Буюртма Г- 840

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.